
Чорвачиликни ривожлантириш-халқимизни арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим омиллардан

Ўзбекистон тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Қ.Джураев бугунги иш режаси доирасида сектор ҳудудидаги "Хадичабегим Мадинабону" фермер хўжалигининг фермасида бўлди.

Бугунги кунда мазкур фермер хўжаликда чет давлатдан келтирилган 50 бош насли қорамоллар боқилаётган бўлиб, уларнинг 15 боши сигирларни ташкил этади. Хўжалик фаолияти билан танишиш, фермер билан суҳбат давомида чорвачиликни ривожлантириш, хусусан, насли қорамол зотларини кўпайтириш ва маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш сектор раҳбарининг диққат марказида бўлди.

Шунингдек, хўжалик ер майдонларида кузги агротехник тадбирларни ўз муддатида ва сифатли бажариш юзасидан зарурий кўрсатмалар берилди. Бунда хўжаликдаги мавжуд техникаларнинг таъмири, уларнинг соз ҳолатда бўлиши жиддий эътибор қаратиш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-11-05 23:56:32